

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИСМАИЛОВ ИКРОМЖОН ИБРОХИМ ЎҒЛИ

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ ЧИҚИНДИЛАРИДАН ОЛИНГАН ҚОҒОЗНИ
БОСМА-ТЕХНИК ХОССАЛАРИ

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ

Наманган – 2023

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Исмаилов Икромжон Иброхим ўғли

Махаллий хомашё чиқиндиларидан олинган қоғозни босма-техник
хоссалари..... 3

Исмаилов Икромжон Иброхим ўғли

Печатно-технические свойства бумаги из отходов местного сырья..... 23

Ismailov Ikromjon

Printing and technical properties of paper from waste of local raw materials.... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИСМАИЛОВ ИКРОМЖОН ИБРОХИМ ЎҒЛИ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ ЧИҚИНДИЛАРИДАН ОЛИНГАН ҚОҒОЗНИ
БОСМА-ТЕХНИК ХОССАЛАРИ**

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ**

Наманган – 2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т1738 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бабаханова Халима Абишевна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Назиржон Муҳаммаджонович
техника фанлари доктори, доцент

Громько Ирина Григорьевна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023-йил “14” январь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти 3-бино, 1-қават, илмий кенгаш хонаси).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 415-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2023-йил “04” январь куни тарқатилди.
(2023-йил “04” январдаги № 97-рақамли реестр баённомаси).



Р.М. Мурадов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, техника
фанлари доктори, профессор

Х.Т. Бобожанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, доцент

Қ.М. Холиков
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳонда бозорида қоғоз маҳсулотига талаб анчагина юқори бўлиб, уни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиб қоғоз саноатининг хомашё муаммосини ҳал қилиш, саноатида атроф-муҳит учун зарарсиз бўлган усуллардан фойдаланиб ёғоч целлюлозаси сарфини камайтириш, қоғозни техник хоссаларини яхшилаш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Статистика маълумотларига кўра жаҳонда қоғоз ва картон истеъмоли 2025 йилгача 500 млн тоннани ташкил этади. Қоғоз ва картон ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида Германия етакчи ҳисобланади 25,1% (2020 й), кейинги ўринларда Швеция (11%), Италия (10%), Финляндия (9,6%), Франция (8,1%), Испания (7,4%), Польша (5,8%) ва Австрия (5,5%)¹. Бу борада, жумладан қоғоз ва картон ишлаб чиқаришда танқис бўлган ёғоч целлюлозаси истеъмолини камайтириш мақсадида хомашёнинг асосий компоненти сифатида макулатуралардан фойдалани, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш орқали самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда минерал хомашё ресурслари, хусусан, қоғознинг асосий компоненти сифатида оҳактош казиб олиш чиқиндиси ҳисобланган кальций карбонатдан рационал самарали фойдаланган ҳолда ресурстежамкор технологияларни ривожлантириш қоғоз саноатининг хомашё муаммосини ҳал қилишда машиналар конструкциясини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Японияда “экологик” қоғоз ТВМ компанияси томонидан Limex бренди остида ишлаб чиқарилади, шунингдек, 40 дан ортиқ давлатларда Rockstock, Kampier, ViaStone, EmanaGreen, Terraskin ва б. савдо русумлари остида кальций карбонатдан “экологик” қоғоз олиш ва реализация қилиш учун патент олинган. Ушбу йўналишда, жумладан, экологик тоза, ресурс тежамкор, истеъмолчи талабларини қондирувчи босма қоғозлар ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга қоғоз саноатида атроф-муҳит учун зарарсиз бўлган кальций карбонатдан фойдаланиш танқис ёғоч целлюлозаси сарфини камайтириш ва экологик вазиятни яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда матбаа саноатини маҳаллий ишлаб чиқарилган замонавий сифатли материаллар билан таъминлаш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, “Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш...”² каби

¹ <https://printindustry.ru/evropejskij-rynok-bumagi-i-kartona-itogi-2020-i-statistika-s-1991-po-2020-god/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда қиммат бўлмаган нархда мавжуд бўлган минерал-хомашё ресурсларидан рационал ва самарали фойдаланиб маҳаллий қоғоз олиш ва унинг босма-техник хоссаларини прогнозлаш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 мартдаги ПҚ-4640-сон «Ноширлик ва матбаа соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қароридан 3-илова 12 банди «Табиий тошдан қоғоз ишлаб чиқаришни ташкил этиш», 23 банди «Обойлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш»ги Қарорлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Глобал целлюлоза-қоғоз саноатининг ривожланиши, фойдаланиладиган хомашёга боғлиқ ҳолда қоғоз ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, композицион таркибига боғлиқ ҳолда қоғознинг босма-техник хоссаларини ва уларнинг тасвирларини ҳосил қилиш сифатига таъсирини ўрганиш бўйича бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан Д.М.Фляте, А.В.Кулешов, А.С.Смолин, И.В. Лавров, А.А.Дулькин, С.С.Пузырев, В.А.Барбаш, Л.Г.Махотина Б.В. Дерягин, В.Г. Георгиевский, Л.А. Козаровицкий, Б.Н. Шахкельдян, Е.Д. Климова, К. Корте, Д. Толленаар, Ж. Фетско, А.К.Хмельницкий, В.В. Абрамова, Г. С. Чиликина, Л.Г.Варепо, А.В.Голунов ва бошқалар.

Республикада Турли толали материаллардан целлюлоза ва маҳаллий хомашёдан қоғоз олиш, уларнинг босма-техник хоссаларини такомиллаштиришга Республикаимизнинг таниқли олимларини илмий ишлари бағишланган. Булардан: Х.А.Алимова, М.Т.Примкулов, Г.Рахмонбердиев, А.Э.Гуламов, А.К.Буланов, Х.А.Бабаханова, У.Ж.Ешбаева, И.А.Буланов, З.К.Ғалимова, А.А.Джалилов. Назкур олимлар олиб борган илмий тадқиқотлар натижасида толали материаллардан қоғоз олиш техника технологияси такомиллаштирилган уни амалиётида қўллаш масалаларни ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, тадқиқотлар натижасида турли хомашёдан қоғоз ишлаб чиқариш ва такомиллаштириш бўйича муайян даражада ижобий натижаларига эришилган ҳолда қўлланилиб келинаётган бўлсада, республикада мавжуд

бўлган минерал-хомашё ресурсларидан қоғоз олиш ва уларнинг босма-техник хоссаларини тадқиқ қилиш масалаларига бағишланган тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ВА-ОТ-А3-05 «Ўзбекистон Республикасининг целлюлоза-қоғоз ва матбаа саноатлари учун иккиламчи толали материаллардан қоғоз олиш технологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашё чиқиндиларидан қоғоз олиш технологиясини такомиллаштириш ва уларни босма-техник хоссаларининг матбаа маҳсулотлари сифатига таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кальций карбонатдан қоғоз олиш технологиясини такомиллаштириш;
экструдер конструкциясининг мустаҳкамлигини баҳолаш мақсадида юқламани ҳисоблаш;

қоғознинг физик-механик, сорбцион, оптик хоссаларини тадқиқ қилиш;
қоғознинг юза структураси маълумотларини билвосита ва бевосита тадқиқот усуллари билан мажмуавий таҳлил қилиш;

лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларида қоғознинг босма-техник хоссаларини тадқиқ қилиш;

математик моделлаштириш асосида кальций карбонатдан тайёрланган қоғознинг босма-техник хоссаларини прогнозлаш;

матбаа соҳаси учун қоғоз ишлаб чиқаришда иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида иккиламчи хомашё, кальций карбонатдан олинган қоғоз, ультрабинафша босма бўёқлардан фойдаланиб флексографик босма усулида босилган кўп бўёқли нусхалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети кальций карбонатдан қоғоз олиш технология ва усуллари, босма сифати, хомашё ва қоғознинг хоссалари орасидаги ўзаро боғлиқлик кинетикаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қоғоз хоссалари кўрсаткичларини синашнинг стандарт усуллар, қоғознинг юза структурасини таҳлил қилиш усули, Бекк усулидан фойдаланилган. Шунингдек, қоғознинг микрогеометриясини тадқиқ қилиш учун атом-куч микроскопидан, нусхаларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун эса денситометрик, спетроскопик ва микроскопик техникалардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

матбаа соҳасида қўллаш учун оҳақтош қазиб олишда чиқинди ҳисобланган кальций карбонатни юқори температурада қиздириш орқали қоғоз олишнинг ресурстежамкор технологияси ишлаб чиқилган;

кальций карбонатли қоғоз массаси композициясининг ўзгариши унинг физик-механик, деформацион, сорбцион ва юза хоссаларига таъсир этиши аналитик усул ёрдамида аниқланган;

нухаларнинг градацион ва ранг тавсифномалари бўйича кальций карбонатдан тайёрланган қоғоз хоссаларининг босма сифатига таъсир даражаси тўла омилли регрессион математик модел асосида аниқланган;

кальций карбонатдан тайёрланган қоғознинг хоссаларини ҳисобга олган ҳолда босма сифатини прогнозлаш учун қалинлик ва ғадир-будирлик кўрсаткичларини ўзгаришларини инобатга олган ҳолда математик модель ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида матбаа соҳаси учун кальций карбонатдан қоғоз олишнинг такомиллашган технологияси ишлаб чиқилган;

замонавий ва импорт ўрнини босувчи босма маҳсулот ассортиментини кенгайтириш мақсадида маҳаллий минерал хомашёдан олинган қоғознинг босма-техник хоссаларининг ҳисобга олган ҳолда босма сифатини прогнозлаш усули ишлаб чиқилган ва қўллашга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида олинган қоғоз синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кальций карбонатдан тайёрланган қоғоз хоссаларининг босма сифатига таъсири қонуниятларининг аниқланганлиги; наноўлчамли масштабда қоғоз намуналари ғадир-будурлиги R_a параметрининг юқори аниқликдаги ташхиси олинганлиги; босилувчи материалнинг бўёқни қабул қилишни баҳолаш учун ишлаб чиқариш жараёнида қоғознинг босма-техник хоссаларини бошқариш усулининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти кальций карбонатдан самарали ва рационал фойдаланиб қоғоз олишнинг такомиллашган технологияси тавсия қилиниши билан изоҳланади, бу маҳаллий қоғоз билан таъминлаш ҳисобига нашриёт ва матбаа соҳаларининг ривожланишига хизмат қилади, республикадан валюта чиқиб кетишини камайтиради, ишлаб чиқариладиган маҳсулотни арзонлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кальций карбонатдан тайёрланган қоғознинг хоссаларини ҳисобга олган ҳолда босма сифатини прогнозлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар асосида:

Маҳаллий хом ашё чиқиндиларидан яъни кальций карбонатдан қоғоз олишнинг такомиллашган технологияси «Fergana stone paper company» ўзбек-хитой корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий

коммуникациялар агентлигининг 2022 йил 3 июндаги 06-2223-сон маълумотномаси). Натижада кальций карбонатдан қоғоз олишнинг мазкур усулини жорий қилиш орқали республикада қоғоз ишлаб чиқариш ҳажми 6-8% га оширилади.

Кальций карбонатдан тайёрланган қоғоз «Technopak» Systems корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2022 йил 3 июндаги 06-2223-сон маълумотномаси). Натижада кўп бўёқли нусхалар олинган, импорт хомашёдан фойдаланиш 12-15% га камайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-техник анжуманларида маъруза қилинган ва муҳоқамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 3 та республика ва 9 та чет эл илмий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзуси бўйича тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети баён қилинган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш бўйича рўйхат, нашр қилинган ишлар бўйича маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Турли хомашёдан қоғоз олиш технологиясини ва уларнинг босма-техник хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича ишлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида адабиёт маълумотларининг таҳлилий шарҳи, хусусан, хорижий ва маҳаллий олимларнинг иккиламчи ресурслардан қоғоз олиш технологиясига рационал технологик параметрларни асослаш ва улардан турли хилдаги қоғозларни тайёрлаш, хомашё хоссаларининг қоғознинг физик-механик, оптик ва юза хоссаларига ва тасвирни ҳосил қилиш сифатига таъсири, бўёқнинг босилувчи материал билан ўзаро таъсирлашуви ва математик статистика усули билан қоғознинг босма-техник хоссаларини прогнозлаш жараёнларига йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинган.

Аниқландики, қоғоз саноатида асосий хомашё сифатида минерал-хомашё ресурсларидан фойдаланиш ва сифатли нусхалар олиш мақсадида уларнинг


босма-техник хоссаларини ҳисобга олган ҳолда матбаачилик саноатида кальций карбонатдан тайёрланган қоғоздан фойдаланиш имкониятлари етарлича ўрганилмаган.

Шунга боғлиқ ҳолда қоғоз массасида асосий хомашё сифатида кальций карбонатдан рационал фойдаланиш ва унинг хоссаларини такомиллаштирилган технология бўйича олинган қоғознинг босма-техник хоссаларига таъсирини баҳолаш мазкур ишнинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Маҳаллий хомашё чиқиндиларидан қоғоз олиш технологияси ва хоссаларининг тадқиқи**» деб номланган иккинчи бобда кальций карбонатдан қоғоз олиш технологияси, хомашё ва қоғознинг физик-механик хусусиятлари орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашга бағишланган.


Маҳаллий кальций карбонатдан тайёрланган қоғоздан матбаачилик саноатида чоп этиш учун фойдаланиш имкониятларини тадқиқ қилиш учун «Fergana stone paper company» ўзбек-хитой корхонасининг ишлаб чиқариш базасида ишлаб чиқариш синовлари ўтказилди.

Схемага мувофиқ (1-расм) кальций карбонат гранулалари GXZLC200-180 маркали грануляторидан бир шнекли экструдерга экструзияланади (500 кг/соат). Хомашё 200⁰ С гача қиздирилади, юмшатилади ва эритилган полиэтилен материал қўшилади. GXCM120S пуфлашли қоғоз қуйиш машинасидаги умумий аралашма цилиндрик материални ҳосил қилиш учун О-симон матрицага экструзияланади. Сиқилган ҳаво билан пуфлашдан сўнг барқарор қоғоз трубкаси ҳосил бўлади. У иккита қуйма валлар билан чўзилади, маҳсулотнинг қалинлиги тезликни ўзгартириш йўли билан соланади. Китоб-журнал босишда қоғоздан фойдаланиш учун унинг асосига GXTB1400D ускунасида маҳсус тайёрланган суюқлик суртилади. Қоғознинг юзаси, қоплам суртиш валиги ва қопламни узатиш валиги орасида турли тезликларни шакллантириш ҳисобига қоғознинг юзасида қопламнинг бир текис ва барқарор адгезиясига эришилади. GXСQ1400 ўратгичи ёрдамида қоғоз рулонларга ўралади ва қирқилади, қийқимлар эса кейинги қайта ишлашга йўналтирилади. Жараённинг охириги босқичида қоғознинг қалинлиги, ношаффофлиги ва ғадир-будурлиги назорат қилинади.



1-расм. Кальций карбонатдан қоғоз олишнинг умумий технологик схемаси

Экструдернинг конструкциясига тушадиган босимни билиш учун гидростатик босим эпюраси курилди (2-расм), у жисмнинг юзасида гидростатик босимнинг тақсимланиши график тасвиридан иборат.




2-расм. Вертикал ва қия юзаларда гидростатик босим эпюрасини куриш

Бу мақсад учун гидростатика тенгламасидан фойдаланамиз:

$$p_c = p_0 + \rho gh = p_0 + \gamma h$$


бу ерда p_0 – юзага тушадиган мутлақ босим; γ – суюқликнинг солиштирма вазни; g – эркин тушиш тезланиши, $g = 9,81 \text{ м/с}^2$, ρ – зичлик, h – баландлик



3-расм. Бункер схемаси

Қуйидаги маълумотлар шароитида бункер девори (3-расм) вертикал қисмининг гидростатик босими ҳисобланди: массанинг тезлиги 0,36 м/с, ускунанинг унумдорлиги 1300 кг/соат, бункердаги материалнинг массаси 1000 кг, солиштирма ҳажм 0,74 г/см³, бункер деворининг қалинлиги 3 мм.

$$P_{вер} = \gamma \omega h_0 = 0,74 \cdot 12000 \cdot 50 = 444 \cdot 10^3 \text{ зр} = 4440$$



4-расм. Цилиндрик юзани ҳисоблаш схемаси

Цилиндрик юзани АВ кўриб чиқишда (4-расм) кичик майдонча $d\omega$ ажратилди, унинг оғрилик маркази h чуқурликка туширилган. Шу майдончага ортиқча гидростатик босим кучи $dP = \gamma h d\omega$ таъсир қилади, уни dP_x ва dP_z га ажратамиз.

$$dP_x = dP \cos \alpha \quad dP_z = dP \sin \alpha$$

$$dP_x = \gamma h d\omega \cos \alpha \quad d\omega \cos \alpha = d\omega_z \quad dP_x = \gamma h d\omega_z$$

$$P_x = \int \gamma h d\omega_z = \gamma \int h d\omega_z \quad \int h d\omega_z = \omega_z h_c$$


$$P_x = \gamma h_c \omega_z = 0,74 \cdot 20 \cdot 25120 = 371776 \text{ зр} = 3717,76$$

$$P_z = \gamma h_c \omega_x = 0,74 \cdot 20 \cdot 4000 = 59200 \text{ зр} = 592$$

$$P_{\text{цил}} = \sqrt{P_x^2 + P_z^2} = \sqrt{3717,76^2 + 592^2} = 3764,6$$

Ҳисоблашлардан кўриниб турибдики, босим кучи анча кичик. Мавжуд ускуна бункерининг материали қалинлиги 3 мм бўлган юпқа варақли углеродли пўлат Ст3 дан тайёрланган, мустаҳкамлик 360-530 МПа, бу қиймат бундай босим учун етарли. Бироқ, ишчи харорат 100^0 дан 200^0 С гача оширилган. Бу режимда углеродли пўлатнинг юзаси шикастланади, шунинг учун қалинлиги 2 мм, мустаҳкамлиги 490-690 МПа бўлган 25ХГСА легирланган конструкцион пўлатини танлаймиз, бу 500^0 С дан ортиқ хароратда ишлашга мос келади.

Матбаа жараёнларида кальций карбонатдан олинган қоғоздан рационал фойдаланиш учун унинг истеъмол хоссаларини билиш муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда, тадқиқотнинг биринчи босқичида таркибида кальций карбонат 80% ва полиэтилен материал (HDPE) 20% бўлган массаси 100 г/м^2 ва 90 г/м^2 қоғоз намуналарининг структура, механик, оптик ва юза хоссалари кўрсаткичлари ишлаб чиқилган иерархик схема бўйича ўрганилди (5-расм), уларнинг натижалари 1-11 жадвалларда келтирилган.



5-расм. Кальций карбонатдан тайёрланган қоғознинг босма-техник хоссаларини аниқлашнинг иерархик схемаси

1-жадвал

Кальций карбонатдан олинган қоғознинг структура хоссалари

Қоғознинг хоссалари	Намуна 1	Намуна 2	Намуна 3
Масса м ² , г/м ² (ГОСТ 13199-88)	100±1,5	92±1,5	90±1,5
Қалинлик, мкм (ГОСТ 27015-86)	88±4	125±10	123±7
Зичлик, г/см ³ (ГОСТ 27015-86)	1,14±0,04	0,74±0,02	0,73±0,02
Солиштирама ҳажм, см ³ /г (ГОСТ 27015-86)	0,88±0,04	1,35±0,03	1,37±0,03
Булутлилиқ	-	-	-
Куллилик, % (ГОСТ 7629-93)	43,13	44,54	44,56

1-жадвалдан кўриниб турибдики, барча намуналар, МХга мувофиқ, қалинлиги бўйича бир хил, чунки максимал ва минимал қалинлик орасидаги фарқ 5 мкм дан ошмайди, бу ҳолат варақда қоғоз массасининг бир текис тақсимланиши натижаси ҳисобланди.

Қоғоз намуналарини ёруғликнинг ўтишига тадқиқ қилиш улар структурасининг бир турлилигини, бир хилда бўлмаган майдонларнинг мавжуд эмаслигини тавсифлади, чунки ўтувчи оқимнинг зичлиги қоғоз намунасининг бутун периметри бўйича бир хил, бу булутлилиқнинг мавжуд эмаслигидан далолат берди. Қоғоз намуналари ёруғликни бир текис ўтказди, бу ҳолат босишда тасвирларни ҳосил қилишнинг юқори график аниқлигини таъминлайди.

Кулнинг мавжудлиги, намуналарни куйдиришдан кейин минерал қолдиқнинг миқдори натижалари бўйича қоғозда минерал моддалар миқдорининг бир хиллиги аниқланди.

Қоғоз намуналарининг механик ва деформацион хоссаларининг қийматлари (2-жадвал) бўйича унинг матбаа маҳсулотларини тайёрлаш жараёнида юзага келадиган турли хилдаги технологик ва механик таъсирлар мустаҳкамлиги таҳлил қилинди. Босма учун мўлжалланган қоғоз мустаҳкам бўлиши ва босим остида бузилмаслиги, қоғоз ўтказиш тизимида, буклашда йиртилмаслиги керак ва ҳ.к.

Тадқиқ қилинаётган қоғоз намуналари мустаҳкамлик ва деформацион тавсифномаларига эга (иккала йўналишда ҳам) (2-жадвал), чоп этишда босиш ускунани бетухтов ишлашига хизмат қилади.

Доимий юклама таъсири остида қоғоз чўзилишининг ўсиб бориши кинетикаси бўйича қоғознинг деформацион хоссалари ҳақида хулоса чиқарилди. Узунасига йўналишда қоғозда кўпроқ чўзилиш кузатилади, бу таранглик модули (Юнг модули)нинг қиймати билан тасдиқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Кальций карбонатдан олинган қоғознинг мустаҳкамлик ва деформацион хоссалари

Қуйиш йўналиги	Мустаҳкамлик хоссалари				Деформацион хоссалар			K _{ан}
	Q		σ	L	Δl	λ	E	
	кгс	H	H/м ²	м	мм	%	H/м ² (Па)	
Намуна 1								
Кўндаланг	1	10	7575757,6	666,67	163	81,5	9295408,07	1
Узунасига	1	10	7575757,6	666,67	342	171,0	4430267,59	
Намуна 2								
Кўндаланг	1	10	5333333,3	724,64	155	77,5	6881720,43	1,3
Узунасига	1,3	13	6933333,3	942,03	331	165,5	4189325,28	
Намуна 3								
Кўндаланг	1	10	5420054,2	740,74	106	53,1	10226517,36	1,2
Узунасига	1,2	12	6504065,0	888,89	254	127,0	5121311,06	

Ҳисобланган анизотропия коэффиценти шуни тавсифладики, намуна 1 изотроп материал ҳисобланади, намуналар 2 ва 3 эса пастроқ даражада анизотропияга эга, яъни қоғознинг узунасига ва кўндаланг йўналишларида хоссалари бир оз фарқланади.

Олдиндан қирқилган синалаётган намунани эзиш учун зарур бўлган куч бўйича аниқланган қоғознинг эзилишга қаршилигини тадқиқ қилиш бўйича аниқландики, намуна 1 эзилишга қаршилик кўрсаткичи бўйича намуна 2 ва 3 ларга нисбатан 2,5 марта яхшироқ (3-жадвал).

3-жадвал

Қоғознинг эзилишга қаршилик кўрсаткичлари (ГОСТ 13525.3-97)

Намуналар	Намуна 1		Намуна 2		Намуна 3	
Кўрсаткичлар	Шкала бўйича кўрсаткич А	Z, сН	Шкала бўйича кўрсаткич А	Z, сН	Шкала бўйича кўрсаткич А	Z, сН
Узунасига	76	405,33	29,5	157,33	30,5	162,67
Кўндаланг	76	405,33	30	160	29,5	157,33

Чоп этиш жараёнида бўёкнинг ўзаро таъсирлашуви ва мустаҳкамланиши кўплаб факторларга боғлиқ бўлиб, целлюлозали қоғозда эркин гидроксил гуруҳларнинг мавжудлиги улардан бири ҳисобланади, улар юзанинг гидрофоблигини аниқлаб беради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, кейинги тадқиқотлар таркибида 80% кальций карбонат ва 20% полимер материал мавжуд бўлган қоғозда сорбцион хоссаларни, айнан намликка чидамлик, гидрофоблик, босма бўёқларининг эритувчиларини шимиш хусусиятини ўрганишга бағишланган.

ГОСТ 12057-81 бўйича ҳисобланган чизиқли деформация қийматлари қоғоз намуналари юзасининг гидрофоблигини аниқлаб берди (4-жадвал).

4-жадвал

Қоғоз намуналарининг чизиқли деформация қийматлари

Кўрсаткичнинг номи	Чизиқли деформация қийматлари					
	узунасига йўналишда			кўндаланг йўналишда		
	№1	№2	№3	№1	№2	№3
Чизиқларнинг дастлабки узунлиги, l_0 , мм	100.00	99.96	99.96	99.98	99.97	99.97
Чизиқларнинг намлашдан кейинги узунлиги, $l_{ув}$, мм	100.01	99.98	99.98	99.99	100	99.99
Намлашдаги деформация, $\epsilon_{ув}$, %	0.01	0.02	0.02	0.01	0.03	0.02
Чизиқларнинг қуритишдан кейинги узунлиги, $l_{сух}$, мм	99.91	-	-	99.9	-	-
Қуритишдан кейинги деформация, $\epsilon_{сух}$, %	-0.09	-	-	-0.08	-	-

Намланишда деформациянинг мавжуд эмаслиги сув юзадан осон ва тез оқиб кетиши ва қоғознинг микроҶовакли структурасига ўтмаганлиги билан тушунтирилади. Юқори хароратнинг таъсирида қоғоз намуналарининг киришиши содир бўлди, бу ҳолат қоғознинг таркибида полимер занжирларнинг мавжудлиги билан тушунтирилади.

5-жадвал

Шимиш қобилияти натижалари ва қоғознинг синфланиши

Томонлар	$m_{сух}$	$m_{ув}$	ГОСТ 9094 (Офсет қоғоз 20-30 г/м ²)
Намуна 1			
Юза томони	1,70	1,70	Намга чидамли (0 г/м ²)
Тўр томони	1,71	1,72	Намга чидамли (1г/м ²)
Намуна 2			
Юза томони	1,31	1,33	Намга чидамли (2 г/м ²)
Тўр томони	1,302	1,33	Намга чидамли (1 г/м ²)
Намуна 3			
Юза томони	1,61	1,62	Намга чидамли (1 г/м ²)
Тўр томони	1,52	1,52	Намга чидамли (0 г/м ²)


ГОСТ 12605-97 бўйича аниқланган сирт шимувчанлиги маълумотлари ва мавжуд таснифлар бўйича қоғоз намуналари намликка чидамли, чунки шимиш қобилияти 15 г/м² дан кам ва улардан турли босма усулларида фойдаланиш мумкин (5-жадвал).

Босиш жараёнида қоғознинг табиатини аниқлаш учун шимиш қобилияти ГОСТ 12603 бўйича бўёқ ёки унинг суяқ таркибий қисмлари (боғловчилар, эритувчилар)нинг кириб бориши тезлиги бўйича баҳоланди. Олинган натижалар 6-жадвалга киритилган ва б.а -расмда кўрсатилган.

6-жадвал

Ксилол бўйича шимиш қобилияти

Қоғоз намуналари	Ксилол томчисини шимиш вақти t, c	Ксилол томчиси изининг узунлиги $l, мм$	Синфланиши
Намуна 1	Қуримайди, ксилолнинг буғланиши давом этади	200±10	Паст шимиш қобилияти
Намуна 2	20±5	56±2	Ўртача шимиш қобилияти
Намуна 3	23±3	65±3	Ўртача шимиш қобилияти



6-расм. а - қоғознинг шимиш қобилиятини аниқлашнинг томчили усули, ксилол изи; б - қоғоз намуналарида турли юза фаоллигидаги сиёҳларнинг ўзаро таъсирлашуви: А – намуна 1; В – намуна 2; С – намуна 3

Шимиш қобилияти кўрсаткичи сифатида ксилол томчисини шимиш вақти ёки қия юза бўйлаб оқиб тушадиган томчи изининг узунлиги қабул қилинди. Мавжуд синфлашга мувофиқ шимиш қобилияти паст ва ўрта бўлган тадқиқ қилинаётган қоғоз намуналари интенсив нусхалар олиншини таъминлайди.

Қоғоз намуналарининг юза фаоллиги arcotest GmbH 28 фирмаси (Arcotest GmbH компанияси, Германия) нинг махсус тест сиёҳларидан фойдаланган ҳолда аниқланди (6.б -расм). Расмдан кўришиб турибдики, намуналарда юза фаоллиги 58 мН/мдан юқори бўлган сиёҳнинг мустаҳкамланишига имкон беради, бу эса кенг ассортиментдаги бўёқлардан фойдаланишни билдиради..

Тадқиқот доирасида қоғознинг деструкцияланиши, яъни қоғознинг сульфат кислотанинг таъсирига чидамлилиги ўрганилди. Қоғоз намуналари тоза этилацетат эритмаси ва 50% ли сульфат кислота эритмасида бир соат ўтиб ҳам, 12 соат ўтиб ҳам сезиларли бузилиш ёки эриш (қоғознинг суяқликни шимиши) кузатилмади.

Нусхаларда тасвирларни ҳосил қилиш сифати қоғоз ва босма қолипи контактининг зичлигига, яъни қоғоз юзаси рельефининг нотекислилигига боғлиқ бўлади. Мазкур ишда юзанинг микрогеометриясини тадқиқ қилиш учун энг

кенг тарқалган ва барча жойда қўлланиладиган силлиқликни аниқлашнинг билвосита ҳисобланган Бекк усулидан (ГОСТ 12795-89 (ИСО 5627-84) фойдаланилди, у қурилманинг ўлчовчи элементи ва таҳлил қилинаётган материалнинг юзаси орасида ҳавонинг сарфини ўлчашга асосланган. Натижада тадқиқ қилинаётган материал юзасининг ҳолати бўйича ўртачалаштирилган (брутто) маълумотлар олинди (7-жадвал).

7-жадвал

Кальций карбонатдан тайёрланган қоғознинг силлиқлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Намуна 1 100 г/м ²	Намуна 2 90 г/м ²	Намуна 3 90 г/м ²
Силлиқлик, сония (юза томони)	1126	230	165
Силлиқлик, сония (тўр томони)	733	138	84
Офсет қоғози каландрланган (ГОСТ 9094)	80-150 с		
Бўрланган қоғоз	750-1500 с		

Олинган маълумотлар асосида (7-жадвал) қуйидаги хулосалар чиқарилди: қоғоз намуналарини сифатига юқори талаблар қўйиладиган нашрларга тавсия қилиш мумкин, чунки намуна 1 қоғозининг силлиқлиги худди бўрланган қоғоздагидек (750-1500 сония), намуна 2 ва 3 қоғозларида силлиқлик каладрланган қоғозлардан юқори (ГОСТ 9094. Босиш учун офсет қоғози).


Кальций карбонатдан тайёрланган қоғозлар юзасини объектив баҳолаш учун нанометрли диапазонда атом-куч микроскопияси (АКМ) усулидан фойдаланилди. Solver HV сканерловчи зондли микроскопда намуна юзасининг рельефи диаметрининг ўлчами 450 мкм ва 10000 дан 4 мкм² гача бўлган диапазонда ўлчанди. Кантилевернинг қоғознинг юзаси билан ўзаро таъсирлашувида рельефнинг баландлигига боғлиқ ҳолда ўзгарадиган куч лазер ёрдамида қайд қилинадиган эгилиш катталигига таъсир қилди, натижада 3D масштабда юза рельефи баландликлари учта кадрдан– 750, 1500 ва 3500 нм фойдаланиб ўзгариши профилининг юқори аниқликдаги бевосита акс эттирилиши профилланди (8-жадвал, 7-расм).

8-жадвал

Қоғоз намуналарининг ғадир-будурлик параметрлари (АКМ бўйича)

Қоғоз намунаси	Кадрлар учун намуналар ғадир-будурлик ўлчами R_a , нм		
	750 нм	1500 нм	3500 нм
Намуна 1 (юза томони)	15,75	35,95	61,19
Намуна 2 (юза томони)	19,34	40,23	67,11
Намуна 3 (юза томони)	25,12	44,05	73,22
Газета ва офсет қоғози	480-650 нм		
Офсет каландрланган қоғоз	170-760 нм		
Бурланган қоғоз	100-105 нм		

Ғадир-будурлик параметрини ҳисоблаш учун кадр диагонали бўйича қирқим ўтказилди (7-расм, а). АКМ усули ёрдамида олинган маълумотлар ўрнатилган махсус дастур ёрдамида қайта ишланди ва ГОСТ 2789 талабларига мувофиқ ғадир-будурлик Ra параметрлари ҳисобланди (8-жадвал). Топографик АКМ-тасвирлардаги қорайиш билан ифодаланган кичик чуқурчалар (7-расм, а) структуранинг етарлича бир турдалиги ва зичлигини тавсифлади, қоғоз намунаси 1 энг паст ғадир-будурлик қиймати Ra га эга.



7-расм. Қоғоз намунаси 1 нинг юзаси (750 нм кадрда): а – топографик АКМ-тасвири; б – юзанинг ажратилган чизиғи рельефининг профили

Топографик тасвирларда юза профилининг бевосита тасвири доимий амплитуда режимида олинган (7-расм, б), бу ерда профилнинг баландлиги ранг билан ажратилган: рельефнинг детали қанча баланд жойлашган бўлса, у шунча очроқ.

Рангни ҳосил қилишнинг аниқлигига жавоб берувчи қоғознинг оптик хоссаларидан бири – ялтироқлик (ГОСТ 12921-80) фотоэлектрик фотометр билан назорат қилинди, унинг ёритгичининг оптик тизими синалаётган намунани $(45,0 \pm 0,5)^\circ$ бурчак остида параллел ёруғлик оқими билан ёритди. Нурларни кўзгули қайтарувчи юза эталони сифатида сайқалланган қора шишадан фойдаланилди, унинг ранги қайтаришнинг ёйилишини бартараф қилади, сайқалланган юза эса кўзгули, яъни 100% қайтаришни таъминлади (9-жадвал).

9-жадвал

Кальций карбонатдан тайёрланган қоғознинг ялтироқлиги

Кўрсаткичлар	Намуна 1	Намуна 2	Намуна 3
Ялтироқлик (юза томони)	0,93	0,57	0,67
Ялтироқлик (тўр томони)	0,8	0,53	0,6

Олинган ялтироқлик қийматларини меъёрлар билан таққосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки, қоғоз намунаси 1 нинг юзаси тушаётган ёруғликни юқори даражада кўзгули қайтариш хусусиятига эга, қоғоз намуналари 2 ва 3 юзаларининг қайтариш фоизи бўрланган қоғозлардагидек (40-70% ГОСТ 9094).

Кўринадиган спектрнинг (380 – 720 нм) бутун юзаси бўйича материалнинг тушаётган ёруғликни бир текис қайтара олиш қобилияти қоғознинг оқлиги билан тавсифланади. Агар материал тушаётган ёруғликнинг

50% дан ортиқ қисмини қайтарса, у оқ ҳисобланади. Қоғоз намуналарининг оклиги самарали тўлқин узунлиги 457 нм бўлганда спектрнинг кўк соҳасида ўлчашга асосланган фотоэлектрик усул ёрдамида аниқланди (10-жадвал).

10-жадвал маълумотлари бўйича шундай хулоса чиқариш мумкинки, қоғоз намуналарининг ҳар бири 90% атрофида окликка эга. Қоғоз тусининг (оттенка) мавжудлигини аниқлаш учун оқ тахламда қайтариш коэффициентининг максимал ва минимал қийматлари орасидаги фарқ ҳисобланди. Қайтариш коэффициентлари орасидаги фарқ 10% дан ортиқ бўлмаганлиги туфайли олинган қоғоз намуналари тусга эга эмас, бу ҳолат кўп бўёқли тасвирларни ҳосил қилишда рангларнинг бузилмасдан узатилишига хизмат қилади.

10-жадвал

Кальций карбонатдан тайёрланган қоғознинг оптик кўрсаткичлари

Кўрсаткич-лари	Намуна 1			Намуна 2			Намуна 3		
	Ёруғлик фильтри			Ёруғлик фильтри			Ёруғлик фильтри		
	кўк	яшил	қизил	кўк	яшил	қизил	кўк	яшил	қизил
Оптик зичлик	0,05	0,04	0,04	0,053	0,047	0,04	0,031	0,047	0,043
Қайтариш коэф-фициенти, %	89,13	91,21	91,20	88,44	89,81	91,21	89,13	89,81	91,20

Материалнинг ёруғликни ўтказиш қобилияти – ёруғлик ўтказувчанлик кўк ёруғлик фильтри орқали қора қоғоз тахламида қайтариш коэффициентининг кўк ёруғлик фильтри орқали оқ тахламдаги қайтариш коэффициентига нисбати сифатида аниқланди (11-жадвал).

11-жадвал

Қоғоз намуналарининг ёруғлик ўтказувчанлиги

Кўрсаткичлар номи	Намуна 1	Намуна 2	Намуна 3
Қора тагликда кўк зонада оптик зичлик	0,05	0,06	0,053
Қайтариш коэффиценти, %	89,12	87,09	88,44
Ёруғлик ўтказмаслик, %	100	98,48	99,24

11-жадвалдан кўриниб турибдики, тадқиқ қилинаётган қоғоз намуналари чегараланмаган ҳолда икки томонлама босма учун тавсия қилиниши мумкин, чунки ёруғлик ўтказмаслик кўрсаткичи $H \geq 92\%$.

Диссертациянинг «**Кальций карбонатдан тайёрланган қоғознинг босма-техник хоссаларини тадқиқ қилиш**» деб номланган учинчи бобида SV 100-E (ГОСТ 24356-80) синов нусхасини олиш қурилмаси ва Mark Andy Performance P7 тор рулонли флексографик босма ускунасида кальций карбонатдан тайёрланган қоғозларнинг босма-техник хоссалари тадқиқ қилинди.

ET-120 HD спектроденситометри ёрдамида ўлчанган нусханинг оптик зичлиги қийматлари бўёқ қабул қилиш ва босманинг бир турдалиги; нусханинг орқа томонида тасвирнинг ўтиши ва сезилиши; чапланиш излари бўйича

бўёқнинг мустаҳкамланишини миқдорий баҳолаш учун қўлланилди (12-жадвал).


12-жадвал

Бўёқни қабул қилиш ва тасвирнинг орқа томонига ўтишини аниқлаш

Қоғоз намуналари	Қоғозга ўтган бўёқ массаси, г	Бўёқ қабул қилиш, мкм	Оптик зичлик, $D_{отт}$	
			Юза томони	Тўр томони
1	0,00680±0,00020	2,4	1,733±0,021	0,058
2	0,00701±0,00085	3,0	1,680±0,020	0,074
3	0,00775±0,00035	2,6	1,781±0,021	0,066

12-жадвалдан кўришиб турибдики, қоғозлар бўёқни қабул қилиш бўйича ISO 12647-2га мувофиқ бўрланган қоғозга яқинлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Шунга мувофиқ, тўйинган нусха олиш учун қолипдаги бўёқ қатламининг қалинлигини камайтириш мумкин, бу майда деталларни йўқотмаган ҳолда юқори даражадаги график ва градацион аниқликни таъминлайди. Нусха орқа томонининг оптик зичлиги $D_{отт}$ 0,058 дан 0,074 гача. Параллел аниқланмалар орасидаги чегаравий фарқланиш ишонарли эҳтимоллик 0,95 бўлганда 0,0001 мкм дан ошмади.

Босманинг бир турдалигини, яъни бир текис тон майдонларида қорайиш флуктуацияларининг тақсимланишини аниқлаш учун синов нусхасини босиш қурилмасида кальций карбонатдан тайёрланган қоғоз намуналари босилди, плашкаларнинг микрофотосуратлари 8-расмда кўрсатилган.



8-расм. Босманинг бир турдалигини баҳолаш учун босилган нусхалар:
а – ҳаворанг бўёқ билан; б – қора бўёқ билан

Оптик зичлик параметрини ўлчаш натижасида олинган қийматларнинг фарқланишини баҳолаш учун ўртача квадратик фарқланиш σ_D ҳисобланди. Параллел аниқланмалар орасида чегаравий фарқланиш ишонарли эҳтимоллик $P=0,95$ бўлганда 0,025 дан ошмади.

